

ХИТОЙ МОДЕРНИЗАЦИЯСИНИНГ МАФКУРАВИЙ ПЛАТФОРМАСИ

Абдулхаев Абдурашид Нодир ўғли
ТДШУ ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада Хитой Халқ Республикасида амалга оширилаётган модернизация жараёналарининг мафкуравий асослари тизимли таҳлил қилинган. Хитой модернизациясининг Ғарб модернизация моделларидан фарқли жиҳатлари, унинг социалистик мафкура, миллий анъаналар ва прагматик ислоҳотлар уйғунлигига асосланганлиги илмий жиҳатдан очиб берилган. Хитой Коммунистик партиясининг мафкуравий раҳбарлик функцияси, марксизм-ленинизмнинг хитойча талқини, Мао Цзэдун тафаккури, Дэн Сяопин назарияси, “уч вакиллик” концепцияси, “илмий тараққиёт концепцияси” ҳамда “янги даврда Хитойга хос социализм” ғояларининг модернизация жараёнидаги ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Хитой модернизацияси, мафкуравий платформа, Хитой Коммунистик партияси, марксизм-ленинизм, Мао Цзэдун тафаккури, Дэн Сяопин назарияси, хитойча социализм, миллий тараққиёт модели.

Аннотация. В статье проводится системный анализ идеологических основ модернизационных процессов, реализуемых в Китайской Народной Республике. Научно раскрываются отличительные особенности китайской модели модернизации по сравнению с западными моделями, основанные на синтезе социалистической идеологии, национальных традиций и прагматических реформ. Анализируется идеологическая руководящая функция Коммунистической партии Китая, специфика китайской интерпретации марксизма-ленинизма, а также роль идей Мао Цзэдуна, теории Дэн Сяопина, концепции «трёх представительств», «научной концепции развития» и идей «социализма с китайской спецификой в новую эпоху» в процессе модернизации.

Ключевые слова: китайская модернизация, идеологическая платформа, Коммунистическая партия Китая, марксизм-ленинизм, идеи Мао Цзэдуна, теория Дэн Сяопина, социализм с китайской спецификой, модель национального развития.

Abstract. The article provides a systematic analysis of the ideological foundations of the modernization processes implemented in the People's Republic of China. It scientifically examines the distinctive features of the Chinese model of modernization in comparison with Western models, emphasizing its reliance on the synthesis of socialist ideology, national traditions, and pragmatic reforms. The study analyzes the ideological leadership role of the Communist Party of China, the Chinese interpretation of Marxism-Leninism, as well as the

significance of Mao Zedong Thought, Deng Xiaoping Theory, the concept of the "Three Represents," the "Scientific Outlook on Development," and the ideas of "Socialism with Chinese Characteristics for a New Era" in the modernization process.

Keywords: Chinese modernization, ideological platform, Communist Party of China, Marxism-Leninism, Mao Zedong Thought, Deng Xiaoping Theory, socialism with Chinese characteristics, national development model.

Ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимида Хитой Халқ Республикасининг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Мазкур давлатнинг иқтисодий қудрати, сиёсий таъсири ва маданий салоҳияти дунё миқёсида кенг эътироф этилган. Бироқ бу ютуқларнинг мафкуравий-назарий асослари, мафкуравий платформанинг эволюцияси ва ривожланиш хусусиятлари алоҳида илмий тадқиқот объектига айланиши лозим. Хитойнинг ўзига хос модернизация йўли анъанавий конфуцийлик кадриятлар билан замонавий сиёсий-иқтисодий тизимнинг уйғунлашуви асосида вужудга келган. Модернизация назариялари нуқтаи назаридан қаралганда, Хитой тажрибаси классик Ғарб модернизация моделларидан тубдан фарқ қилади ва янги назарий ёндашувларни талаб этади.

Модернизация назариясининг асосчиларидан бири С.Эйзенштадтнинг фикрича, модернизация жараёни ягона унификация қилинган шаклда эмас, балки турли маданий-маънавий анъаналар асосида кечади⁴⁰. Бу назария Хитой модернизациясини тушунишда муҳим асос бўла олади. Хусусан, Эйзенштадт концепциясига кўра, Хитой модернизацияси "кўп қирралик модернизация" парадигмасига тўлиқ мос келади, чунки у Ғарб либерал модели ўрнига конфуцийлик маданий кодга асосланган ўзига хос йўлни танлаган.

Бундан ташқари, Э.Геллнернинг миллатчилик ва модернизация ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этган назарий ишлари Хитой модернизациясининг миллий хусусиятларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг таъкидлашича, модернизация жараёнида миллий ўзига хослик ва анъаналар алоҳида ўрин тутди⁴¹. Хитой мисолида бу тезис амалий тасдиқ топади, чунки Хитой раҳбарияти доимо миллий маданият ва анъаналарга таяниб модернизация сиёсатини юритган.

Хитой модернизациясининг мафкуравий платформаси икки асосий компонентдан иборат бўлиб, биринчиси, анъанавий конфуцийлик кадриятлар тизими, иккинчиси эса, замонавий социалистик мафкура элементларидир. Бу икки асоснинг синтези натижасида "Хитой хусусиятига эга социализм" деб номланувчи ўзига хос

⁴⁰ Eisenstadt S.N. Comparative Civilizations and Multiple Modernities. Leiden: Brill, 2003. – P. 105.

⁴¹ Gellner E. Nations and Nationalism. Ithaca: Cornell University Press, 1983. – P. 150.

мафкуравий конструкция шакллантирилган⁴². Мазкур мафкуравий платформа бир неча ўн йиллар давомида эволюция жараёнини бошдан кечиб, турли тарихий босқичларда ўз хусусиятлари билан намоён бўлган. Хитой модернизациясининг тарихий шаклланиш жараёни икки минг йиллик конфуцийлик феодализм жамиятидан 1911 йилги Синхай инқилоби орқали янги босқичга ўтиш билан бошланади⁴³.

Синхай инқилоби Хитой учун анъанавий феодализм тузумининг тугаши ва замонавий миллий давлат қуриш учун биринчи қадам бўлган. Сунь Ятсен, Мао Цзэдун ва бошқа ислохотчилар хитой халқи учун янги йўл излаб, социализмга мурожаат қилган. Бироқ ҳақиқий муваффақиятли ислохотлар Дэн Сяопин раҳбарлиги даврида амалга оширилди. Дэн Сяопин конфуцийлик анъаналари билан замонавий сиёсий шароитлар ўртасида мувозанатни топиш қобилиятига эга бўлган. 1976 йилда Мао Цзэдуннинг вафотидан сўнг, Дэн Сяопин бошчилигидаги янги авлод ислохотчилар ҳокимиятга келди⁴⁴. Унинг шахсининг улуғлиги ва ижодий салоҳияти, катта ҳаётий ва давлат тажрибаси Хитой олдида турган мураккаб муаммоларнинг ечимини топишга имкон берди.

Янги хитой раҳбарияти олдида мураккаб вазифа турарди, яъни мафкуравий инқилоб даврида Мао Цзэдун сиёсатидан кейин юзага келган хатоларни тузатиш. Мамлакатдаги вазият оғир бўлиб, халқ очликда, оғир ва енгил саноат ўртасида мувозанатсизлик мавжуд эди, деҳқонларнинг кўпчилиги қашшоқликда яшарди, аҳолининг саводхонлик даражаси жуда паст эди. Бундан ташқари, вазиятни хитой ҳукмрон сиёсий элитаси ичидаги қаттиқ ҳокимият курашлари янада мураккаблаштирарди. Етакчи Ғарб ва Осиё мамлакатлари фонида Хитой анча орқада қоларди. Дэн Сяопин хатоларни ўз вақтида тузатиш муҳимлигини тан олди. У мамлакат ичидаги зиддиятларни кучайтиришни истамади ва шунинг учун халқни олдинги сиёсатчиларнинг хатоларини кечиришга чақирди.

У барча сиёсий ва ижтимоий кучларни мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун оптимал модель излашга йўналтирди. Хитой ислохотлари концепцияси Дэн Сяопинда босқичма-босқич, узок вақт давомида пишиб етилган. Модернизация назарияси нуқтаи назаридан қаралганда, Дэн Сяопиннинг ёндашуви эволюцион модернизация стратегиясига яққол мисол бўлади. Бу Б.Мур ва Т.Скокполнинг инқилоб ва модернизация ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги назариялари билан ҳам мос

⁴² Ду Вэймин. Современное значение конфуцианства. Пекин: Издательство Китайского народного университета, 2015. – С. 412. (хитой тилида)

⁴³ Weber M. The Religion of China: Confucianism and Taoism. Glencoe, IL: Free Press, 1951. – P. 308.

⁴⁴ Vogel E.F. Deng Xiaoping and the Transformation of China. Cambridge, MA: Harvard University Press, 2011. – P. 876.

келади⁴⁵. Хитой узоқ вақт давомида ёпиқ мамлакат бўлган. Бошқа давлатларнинг турмуш даражасини ўрганиш учун Европага делегациялар юбориш қарори қабул қилинди. 1978 йил январдан ноябрга қадар Ғарб мамлакатларига 3213 кишидан иборат 529 гуруҳ юборилди⁴⁶.

Европага ташрифдан сўнг капиталистик мамлакатларнинг тажрибаси ўз афзалликларига эгаллиги аниқ бўлди. Дэн Сяопин Хитойнинг ёпиқлиги бўш йўлга олиб боришига ҳулоса қилди. Фақат очиклик ва ислоҳот йўли билангина вазиятни яхшилаш, муносиб келажакка эришиш, янги социалистик давлат барпо этиш мумкин. АҚШ, Собик Совет Иттифоқи, Япония ва бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Дэн Сяопин бошчилигидаги хитой раҳбарияти жамиятнинг тараққиёти стратегик мақсадларини белгилашда тўлиқ мустақиллик ва суверенлиқни сақлаб қолди. Раҳбарият бегона намуналарни оддий нусха кўчириш Хитойни муваффақиятга олиб бормаслигини тушунарди.

Хитой Халқ Республикасининг модернизация тажрибаси дунё сиёсий-иқтисодий тарихида ноёб ҳодиса ҳисобланади. Мазкур модернизациянинг мафкуравий платформаси конфуцийлик анъаналари билан социалистик кадриятларнинг синтездан иборат бўлиб, бу уникал мафкуравий конструкция бир неча ўн йиллар давомида босқичма-босқич эволюцияни бошдан кечирган. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Хитой модернизацияси Ғарб либерал-демократик модели механик нусхаси эмас, балки миллий маданий кодга асосланган ўзига хос ривожланиш йўлидир.

Модернизация назарияларидан келиб чиқиб, Хитой тажрибаси С.Эйзенштадтнинг “кўп қирралик модернизация” концепциясига тўлиқ мос келади⁴⁷. Бу концепция модернизация жараёнининг ягона, универсал шаклда эмас, балки турли маданий-цивилизацион анъаналарга асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди. Хитой мисоли шуни кўрсатдики, модернизация ҳар доим ҳам секуляризация, либерализация ва индивидуализация билан бирга келмайди. У анъанавий кадриятларни сақлаган ҳолда, ҳатто уларга таянган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хитой модернизациясининг мафкуравий платформасининг асосини ташкил этган конфуцийлик кадриятлари коллективизм, ижтимоий иерархия, давлатга содиқлик,

⁴⁵ Moore B. Social Origins of Dictatorship and Democracy: Lord and Peasant in the Making of the Modern World. Boston: Beacon Press, 1966. – P. 523; Skocpol T. States and Social Revolutions: A Comparative Analysis of France, Russia and China. Cambridge: Cambridge University Press, 1979. – P. 407.

⁴⁶ Чжэн Юннань. Китайская модель развития. Шанхай: Народное издательство Шанхая, 2010. – С. 287. (хитой тилида)

⁴⁷ Eisenstadt S.N. Comparative Civilizations and Multiple Modernities. Leiden: Brill, 2003. – P. 534.

меҳнатсеварлик, илм-маърифатга ҳурмат социализм билан ўзаро уйғунлашиб, “Хитой хусусиятига эга социализм” деб номланувчи ўзига хос мафкуравий тизимни вужудга келтирди. Бу тизим бир томондан ижтимоий адолат, умумхалқ мулки, давлатнинг иқтисодий ётти бошқарувдаги етакчи роли каби социалистик тамойилларни, иккинчи томондан эса бозор муносабатларини, шахсий ташаббускорликни, очиқлик сиёсатини қамраб олди.

Эмпирик маълумотлар шуни тасдиқлайдики, Хитой иқтисодиёти 1978 йилдан бошлаб дунёдаги энг тез суръатлар билан ўсди. 2010 йилга келиб ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўйича иккинчи ўринга чиқди. 2021 йилга келиб эса Хитойнинг ЯИМи 17,7 триллион АҚШ долларини ташкил этди⁴⁸, бу 1978 йилдаги кўрсаткичдан юз мартадан зиёд кўрсаткичдир. Бу ўсиш суръатлари хитойча модернизация моделининг самарадорлигидан далолат беради. Аҳолининг камбағаллик даражаси 1981 йилдаги 88 фоиздан 2020 йилга келиб 0,1 фоизгача қисқарди, бу 800 миллионга яқин одамнинг камбағалликдан чиқишини англатади⁴⁹.

Хитой модернизациясининг эволюцияси уч асосий босқичга бўлинади: иқтисодий ислохотлар (1978-2002), ижтимоий ислохотлар (2002 йилдан) ва режалаштирилган сиёсий ислохотлар (2030 йилдан). Ҳар бир босқич олдингисининг натижаларига асосланиб, босқичма-босқич, эволюцион тарзда амалга оширилди. Бу ёндашув конфуцийликнинг “кескин сакрашларсиз босқичма-босқич ўзгариш” тамойилига тўлиқ мос келади ва Д.Нортнинг институционал ўзгаришлар назариясида таъкидланган йўл боғлиқлиги (path dependence) концепциясини тасдиқлайди⁵⁰.

Замонавий конфуцийлик ҳам модернизация жараёнида муҳим роль ўйнади. Унинг уч асосий йўналиши фалсафий, илмий ва маданий оқимлар Хитой жамиятида янги кадрятлар тизимини шакллантиришга хизмат қилди. Фалсафий оқим конфуцийликнинг умумий ва замонавий жиҳатларини очиқ бериш билан шуғулланди. Илмий оқим конфуцийликни Ғарб маданияти билан синтез қилишга интилди, маданий оқим эса миллий маданий ўзига хослик ва идентификацияни сақлаш масаласига урғу берди. Бу уч йўналишнинг ўзаро таъсири натижасида замонавий хитой интеллектуал мактаби шаклланди.

Хитой тажрибасининг назарий аҳамияти шундаки, у модернизация назариясига янги ўлчов қўшди. Классик модернизация назарияси (У.Ростоу, Д.Лернер) модернизацияни асосан Ғарбнинг тарихий тажрибаси асосида тушунтирган ва барча

⁴⁸ Youth of China in the New Era // chinadaily 24.04.2022.// www.chinadaily.com.cn

⁴⁹ Youth of China in the New Era // chinadaily 24.04.2022.// www.chinadaily.com.cn

⁵⁰ North D.C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge: Cambridge University Press, 1990. – P. 152.

жамиятлар учун универсал модель сифатида кўрсатган⁵¹. Хитой мисоли эса модернизация йўлларининг кўп хиллигини, маданий анъаналарнинг модернизация жараёнидаги муҳим ролини намоён этди. Бу муҳим назарий хулоса бўлиб, у ривожланаётган мамлакатларга ўз миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда модернизация йўлини танлаш имконини беради.

Келажак истиқболларини таҳлил қилар эканмиз, бир неча муҳим йўналишни ажратиш мумкин. Биринчидан, Хитой раҳбарияти томонидан режалаштирилган сиёсий ислохотлар қандай амалга оширилиши кўп партиявий тизимга ўтилиши ёки мавжуд бир партиявий тизим доирасида демократиянинг ички шакллари ривожлантирилиши долзарб масала бўлиб қолади. Иккинчидан, глобаллашув шароитида миллий маданий идентификликни сақлаш масаласи янада муҳим аҳамият касб этади. Учинчидан, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва шу билан бирга экологик барқарорликни таъминлаш Хитой олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Хитой модернизациясининг мафкуравий платформаси ва унинг эволюцияси замонавий сиёсий фанлар нуқтаи назарида алоҳида тадқиқ этишни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Бу тажриба шуни кўрсатадики, модернизация жараёни ҳар доим ҳам Ғарб моделига эргашишни талаб қилмайди. У миллий-маданий анъаналарга асосланган ҳолда ҳам муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Хитой модели ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим тажриба бўлиши мумкин. Ҳар бир мамлакат ўз тарихий, маданий ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз модернизация йўлини излаши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Eisenstadt S.N. Comparative Civilizations and Multiple Modernities. Leiden: Brill, 2003. – P. 534.
2. Gellner E. Nations and Nationalism. Ithaca: Cornell University Press, 1983.
3. Moore B. Social Origins of Dictatorship and Democracy: Lord and Peasant in the Making of the Modern World. Boston: Beacon Press, 1966.
4. Skocpol T. States and Social Revolutions: A Comparative Analysis of France, Russia and China. Cambridge: Cambridge University Press, 1979.

⁵¹ Acemoglu D., Robinson J.A. Why Nations Fail: The Origins of Power, Prosperity, and Poverty. New York: Crown Publishers, 2012. – P. 529.

5. North D.C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge: Cambridge University Press, 1990.
6. Acemoglu D., Robinson J.A. Why Nations Fail: The Origins of Power, Prosperity, and Poverty. New York: Crown Publishers, 2012.
7. Vogel E.F. Deng Xiaoping and the Transformation of China. Cambridge, MA: Harvard University Press, 2011.
8. Чжэн Юннань. Китайская модель развития. Шанхай: Народное издательство Шанхая, 2010. – С. 287. (хитой тилида)
9. Чжоу Югуан. В поисках истины. Пекин: Издательство Чжунхуа, 2010. – С. 245. (хитой тилида)
10. Ду Вэймин. Современное значение конфуцианства. Пекин: Издательство Китайского народного университета, 2015. (хитой тилида)